ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ҚАРОРИ

2020 йил 29 декабрь 86-18/06-сонли Қарши шаҳри

“Муборакнефтгаз-Сувтаъминот” МЧЖ томонидан сув таъминоти ва оқова сув хизматлари учун таърифларни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 сентябрдаги “Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳадаги инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6074-сонли Фармони, вилоят ҳокимлиги молия бош бошқармасининг 2020 йил 20 ноябрдаги 01-20/10-05-38/2557-сонли ва Ўзбекистон Республикаси монополияга қарши курашиш қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармасининг 2020 йил 24 ноябрдаги 02/05-2604-сонли хулосалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 24-моддаларига асосан Халқ депутатлари вилоят Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Вилоят молия бош бошқармаси (Ф.Юсупов), “Муборакнефтгаз-Сувтаъминот” масъулияти чекланган жамияти (Р.Сатторов), Ўзбекистон Республикаси монополияга қарши курашиш қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси (С.Садиқов)ларнинг “Муборакнефтгаз-Сувтаъминот” масъулияти чекланган жамияти томонидан сув таъминоти ва оқова сув хизматлари таърифларини тасдиқлаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.
2. “Муборакнефтгаз-Сувтаъминот” масъулияти чекланган жамияти томонидан сув таъминоти ва оқова сув хизматлари учун таклиф этилаётган таърифлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. Мазкур қарор “Қашқадарё” ва “Новости Кашкадарьи” газеталарида эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг qashqadaryo.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.
4. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.
5. Мазкур карор ижросини назорат килиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалиги масалалари ва аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича доимий комиссияси (С.Норқабилов) ҳамда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ў.Бутаев) ва вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Эшонқулов) зиммаларига юклатилсин.

Сессия раиси **О.Равшанов**

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг
2020 йил 29 декабрдаги 86-18/06-сонли
қарорига илова

“Муборакнефтгаз-Сувтаъминоти” масъуляти чекланган жамиятининг техник сув таъминоти учун таклиф этилаётган таърифлар

Т/Р	**Хизмат тури**	**Амалдаги нарх (тариф)** *(ҚҚСсиз сўмда)*	**Таклиф этилаётган нарх (тариф)** *(ҚҚСсиз сўмда)*
1.	Аҳоли учун 1 куб метр	407,0	900,0
2.	Бюджет ташкилотлари учун 1 куб метр (ҚҚС сиз)	1 292,0	2 500,0
3.	Сувоқова ташкилотлари учун 1 куб метр (ҚҚС сиз)	612,0	1 200,0
4.	Улгуржи истеъмолчилар учун 1 куб метр (ҚҚС сиз)	3 200,0	5 500,0